

ТҮҚУВ ДАСТГОҲИДА СИФАТЛИ ТҮҚИМА ҲОСИЛ БЎЛИШИДА ТАНДА ВА АРҚОҚ ИПЛАРИ ТАРАНГЛИГИНИНГ АҲАМИЯТИ

асс. Д.Т.Назарова, асс.Н.Б.Юсупова, асс. Н.Пулатов*

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти

Жиззах политехника институти*

Мақолада тўқув дастгоҳида шаклланадиган тўқиманинг сифатли чиқшии учун дастгоҳда тахлаш омилларини тўғри ўрнатниш ва тарангликнинг аҳамияти ўрганилган.

В статье изучена параметры заправки в установленном порядке и значение натяжение для образования качественной ткани на ткацких станках.

The article examines the correct fitting factors and the importance of the fension for the figh quality of the tissue formed in the fabric.

Тўқув дастгоҳларида сифатли, рақобатбардош ва экспортбоп мато шакллантириш учун албатта тўқув дастгоҳининг тахлаш омилларига катта эътиборимизни қардишимиз лозим.

Тўқув ғалтагидан чувалиб чиқсан ип узунлиги (Δl_m), ундан ҳосил бўлган тўқима узунлигига (l_{tq}) мувофиқ келиши керак. Тўқув ғалтагидан узатилаётган танда ипини узунлиги тўқимани танда бўйича қисқаришига (am) ва тўқимайб арқоқ бўйича зичлигига (Pa) боғлиқ.

$$\Delta l_m = \frac{\Delta l_{tq}}{\left(1 - \frac{a_{m\Box}}{100}\right) \cdot P_a \left(1 - \frac{a_{m\Box}}{100}\right)} = \frac{1}{P_a}$$


Тўқима ҳосил бўлиши жараёнида танда иплари маълум миқдордаги тарангликка эга бўлмоғи лозим, бундай таранглик тахлаш таранглиги дейилади ва у тўқима тузилишига, жипслаштириш кучига таъсир қиласи. Тўқув дастгоҳида сифатли тўқима ишлаб чиқаришда асосан танда ва арқоқ ипларининг таранглиги катта аҳамиятга эга. Табиийки тўқимачилик саноатида танда иплари танда ростлагичлари билан, арқоқ или эса тарангловчи мослама билан бошқарилади. Агар танда иплари таранглиги танда ростлагичлари орқали автоматик равишда бошқарилмаса, тўқув дастгоҳида танда иплари бўшаб яъни танда иплари узилишининг кўпайишига олиб келади. Бу эса сифатсиз нуқсонли мато ишлаб чиқариш билан бирга, ишлаб чиқариш унумдорлигини ва фойдали вакт коэффицентини пасайтиради. Шунингдек, арқоқ иплари ҳам тарангловчи мослама билан бошқарилмаса, арқоқ или бўшаб тўқиманинг юзасида ва остки қисмида турли илмоклар ҳосил бўлиб, тўқима сифатини пасайтиришга олиб келади.

Танда иплар таранглигини автоматик бошқариш бугунги кун тўқимачилигини асосий долзарб масаласи ҳисобланиб, унда меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилашга катта эътибор қаратилади. Танда таранглиги тўқима турига қараб ҳар хил бўлиб, ипнинг таранглиги етарли даражада ўрнатилмаса, тўқимада арқоқ иплар бўйича зичлик ҳам ўзгарувчан бўлиб қолиши мумкин. Танда ипининг таранглиги кўпайиб камайиши ҳисобидан ипларнинг узилишлар сонининг кўпайиб кетиши мумкин.

Тўқиши жараёнида тўқув ғалтагида танда иплари камайиши билан ўрам диаметри камайиб боради, натижада таранглик ўзгариши ва тўқима сифатига таъсир қилиши мумкин. Таранглик ошса, тўқимада арқоқ иплари бўйича зичлик ортади, таранглик камайса, тўқима тузилиши ва сирти нотекис бўлиши мумкин. Тўқима ҳосил қилиш жараёнида сарф бўладиган танда ипларини маълум бир тарангликда узатиш вазифасини танда узатувчи ва тарангловчи механизм бажаради. Бу механизмлар ишлаш жараёнига кўра танда ростлагичлари ва танда тормозларига ажратилади.

Танда ростлагичларида танда узатиш учун тўқув ғалтагига дастгоҳнинг бирор

харакатланувчи қисмидан ҳаракат узатилади. Танда таранглиги эса махсус мослама ёрдамида ҳосил қилинади. Тўкув ғалтагидан чувалаб чикқан ип узунлиги, ундан ҳосил бўлган тўқима узунлигига мувофик равишда киришиши керак. Тўкув ғалтагидан узатилаётган танда ипини узунлиги тўқимани танда бўйича киришишига ва арқоқ бўйича тўқима зичлигига боғлиқ расм 1.



1-расм. Тўкув ғалтагидан узатилаётган танда ипини узунлиги

ab - куч таъсирисиз ипнинг текисланиш қисми; ac - текисланиш ва узайишдан ипнинг тўлиқ ўз ҳолатига қайтиш узунлтги ec - факатгина узайишдан ипнинг ўз ҳолатига қайтиш узунлиги; ae - факатгина текисланиш ҳисобидан ипнинг ўз ҳолатига қайтиш узунлиги; bk - бир вактнинг ўзида ҳам узайиш ҳам текисланишидан ўз ҳолатига қайтиш узунлиги.

Тўқима ҳосил бўлиши жараёнида танда иплари маълум микдордаги тарангликка эга бўлмоғи лозим, бундай таранглик таҳтлаш таранглиги дейилади ва у тўқима тузилишига, жипслаштириш кучига таъсир қиласди. Танда ипларини узилишини камайтириш ва тўқима сифатини яхшилаш учун таранглик доимий бўлиши зарур.

Замонавий ҳаво ёрдамида арқоқ ипини ташловчи тўкув дастгоҳларининг тарнгловчи мосламалари таҳлили олиб борилди. Даствоҳда ўрнатилган ғалтагидан тўқиманинг бир элементи ҳосил бўлишига сарфланадиган танда ипи маълум тарангликда узатиб турилади. Танда ипларининг таранглигини тўқима таркибига қараб тўғри танлаш, ғалтакдаги иплар ўрамининг диаметри камайган тақдирда ҳам тўқима бўйича тарангликнинг бир хил бўлиши иш унумдорлигига салбий таъсир этмайди.

Қўйида ТОЙОТА тўкув дастгоҳида полотно ўрилиши тўқима ҳосил бўлишидаги тарнгловчи мосламанинг аҳамияти келтирилган.



Танда ва арқоқ ипларининг киришиши, матонинг сифати, унинг тузилиши, ипларнинг узилишлари меҳнат унумдорлигига ва тўкув жиҳозларнинг иш унумдорлигига таъсир кўрсатади. Шунинг учун танда ва арқоқ таранглигини меъёрида

сақлаш тўқиманинг сифатли ва нуқсонларсиз шаклланиши билан бирга рақобатбардош матолар ишлаб чиқариш имконини беради.

Хулоса килиб айтганда, тўкув дастгоҳида танда ипларини автоматик бошқариш бугунги кунда тўқимачилик саноатининг энг муҳим омили ҳисобланади.

Адабиётлар:

1. Т.А.Очилов ва бошқалар. “Газламашунослик”, Ўзбекистон миллий энциклопедияси, давлат миллий нашриёти, Тошкент-2008.
2. В.П.Склянников. Строение и качество тканей. – М.: Легкая и пищевая промышленность, 1984-176с.

ҚАЙИШҚОҚ ЭЛЕМЕНТЛИ ИП ЎТКАЗГИЧНИНГ ИП НОТЕКСЛИГИГА ВА УЗИЛИШЛАР СОНИГА ТАЪСИРИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ

доц. С.Л.Матисмаилов, кат. ўқит. Г.Джумабаев, магистрант О.Душамов
Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти

Мазкур мақолада «Rieter» фирмаси G-35 ҳалқали йигирни машинаси тақомиллаштирилган ип ўтказгичнинг ип нотекслигига ва узилишлар сонига таъсири бўйича тадқиқот натижалари келтирилган. Олиб борилган тадқиқот натижаларидан кўриниб турибдики ипнинг кесими ва узиши кучи бўйича нотекслиги камайган.

В статье приведены результаты экспериментального исследования влияния усовершенственного нитепроводника кольцо-прядильной машины G-35 фирмы RIETER на пороки и внешнего вида пряжи. В результате уменьшилось неровнота по сечению и разрывной нагрузке.

The article presents the results of an experimental study of the influence of a well-trained wire conductor of the ring spinning G-35 machine by RIETER firm on the defects and appearance of the yarn. As a result, the unevenness in the cross section and the breaking load decreased.

Чўзиш асбобидан чиқаётган юпқа тутамчани ипга айлантириш учун бурамлар бериб пишишилади. Ип пишишилганда уни ташкил этувчи толалар винтсимон чизиклар бўйлаб жойлашган ҳолда бир-бирига босилиб, зичлашиб жипслашади. Натижада улар орасида ишқаланиш кучи юзага келади ва у ипнинг узувчи кучларга қаршилигини билдиради. Ипнинг пишитилиши пишитиш - ўраш қурилмаси ёрдамида амалга оширилади [1].

Пишитиш-ўраш механизми олдинги цилиндр, ип ўтказгич, ип ажратгич, баллончеклагич, ҳалқали планка, ҳалқа, югурдак, урчуқ ва урчуқларни ҳаракатлантирувчи тасмадан иборат.

Олиб борилган илмий тадқиқот манбаларига кўра ипларнинг кўпроқ узилиши олдинги цилиндр билан ип ўтказгич орасида содир бўлади деб келтирилган [2].

Юқоридагиларни инобатга олиб ип ўтказгич конструкцияларини ипнинг кесим бўйича нотекслик (%) ва ташки кўриниш нуқсонларига таъсири бўйича тадқиқот ишлари олиб борилди.

Тажриба ишлари МЧЖ “UZtex Shovot” ҚҚ йигириш фабрикасининг ишлаб чиқариш шароитида олиб борилди.

Ип ўтказгич конструкциясини ип сифати ва шаклланиш жараёнига таъсир этиш даражасини баҳолаш учун кетма кет (ип ўтказгичларни алмаштириб) G 35 ҳалқали йигириш машинасида 20 текс чизиқий зичликдаги ип ишлаб чиқарилди.

Иккита вариантдаги ипларнинг кесим бўйича нотекслиги ва ташки кўриниш